

Минтақалараро яқин қўшничилик ва дўстона ҳамкорлик —

изчил тараққиёт гарови

Президентимизнинг яқинда Афғонистон Ислом Республикасининг делегацияси билан учрашуви чоғида икки томонлама муносабатларнинг бугунги суръатини сақлаб қолиш, ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама этилди. Шунингдек, Тошкент шаҳрида етакчи халқаро молиявий институтлар раҳбарлари иштирокида ўтган Трансафғон темир йўлини қуриш лойиҳаси бўйича уч томонлама ишчи гурӯҳ биринчи йиғилишининг самарали якунлари юксак баҳоланди.

Афғонистон билан ўзаро икки томонлама алоқалар тобора кучайиб бормоқда. Ўзбекистон сўнгти тўрт йил ичида савдо ҳамкорлигини кенг кўламда кенгайтириш билан биргалиқда, бир қатор йирик транспорт-коммуникация лойиҳалари, жумладан, Мозори-Шариф-Ҳирот, Мозори-Шариф-Кобул-Пешовар темир йўлларини қуриш масалаларини кўриб чиқмоқда. “Трансафғон” деб номланган транспорт коридорини барпо этиш Марказий Осиё ва Афғонистоннинг транзит салоҳияти ҳамда мамлакатларимиз экспорт ҳажмини янада оширишга ёрдам беради. Хусусан, товарларни Марказий Осиёдан Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиё бозорларига етказиб бериш вақти ва нархини 30-35 фоизга қисқартиради. Мутахассислар фикрича, лойиҳа қиймати 4-4,5 миллиард долларни ташкил қилиши мумкин.

Бундан атиги тўрт йил олдин Марказий Осиё минтақасидаги мавжуд турғун ҳолатни тиклаш мутлақо имконсиз туюлар эди. Бундай ҳолат, албатта, ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолгани йўқ. Бунга минтақа давлатлари мустақиликка эришганидан сўнг улар ўртасида ҳал қилинмаган чегаралар, сув ва энергетика масалаларидағи келишмовчиликлар, минтақалараро иқтисодий, маданий ва илмий алоқаларнинг узилиши, диний экстремизм, Тожикистондаги фуқаролар уруши сабаб бўлди. Шунингдек, бунда Марказий Осиё давлатларининг жуғрофий жиҳатдан ёпиқлиги, денгиз, яъни сув йўли

коммуникацияларидан фойдаланиш имконияти йўқлигини ҳам назардан қочирмаслик керак.

Яқин Шарқдаги зиддиятлар, хусусан, Сурия инқирози ҳам минтақа давлатлари ички сиёсатига таъсир этмасдан қолмади. Қолаверса, Афғонистонда узоқ йиллардан бўён давом этиб келаётган фуқаролар уруши энг йирик бекарорлик ўчогига айлангани минтақа ҳолати ва ривожига бевосита таъсир қўрсатаётган асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Ана шундай сабаб ва омиллар минтақа давлатларининг ижтимоий-иктисодий ривожланиши, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатларга тўлақонли интеграциялашувини чеклаб қўйди, айрим мамлакатлар иқтисодиётини турғун ҳолатга олиб келди.

Шавкат Мирзиёев ана шундай мураккаб бир даврда Президент этиб сайланди. Қадимдан Ғарб ва Шарқ чорраҳаси, бирлаштирувчи бўгини бўлиб келган Марказий Осиё минтақаси халқларининг келажаги ҳақида ташвишланиш, нафақат Афғонистон, балки Марказий ва Жанубий Осиё макроминтақасидаги вазиятни ўзgartириш, афғонлараро мулоқотни тўғридан-тўғри ва муносиб тарзда йўлга қўйиш имконини излаш Президентимз янги ташқи сиёсатининг асосини ташкил этади.

Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничиликни шакллантириш ва тиклаш мамлакатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Ана шундай ёндашув туфайли Ўзбекистон қисқа вақт ичida минтақадаги қўшнилари билан кўп йиллар давомида ҳал қилинмаган муаммоларни бартараф этишга муваффақ бўлди. Мамлакатимиз раҳбарияти саъй-ҳаракати билан минтақада ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликка асосланган янги сиёсий мухит яратилди. Президентимиз 2020 йилда Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлган Марказий Осиё давлатлари билан кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш изчил давом этмоқда. Буни Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари мунтазам ўтказилиб, унда минтақавий ҳамкорлик

масалалари, шу жумладан, афғон муаммоси мұхокама қилинаётганида яққол күриш мүмкін. Бугунги кунда Афғонистон Марказий Осиё минтақасининг ажралмас қисми сифатида қабул қилинмоқда. Шу боис Ўзбекистон Афғонистон муаммосини тезроқ бартараф этишдан манфаатдор.

Президентимиз ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан Ўзбекистон қисқа вақт ичидә Афғонистон хуқумати билан муносабатлар құламини сезиларли даражада оширишга муваффақ бўлди. Давлатимиз раҳбари 2017 йил БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида таъкидлаганидек, “Ўзбекистон Афғонистоннинг иқтисодий тикланишига, унинг транспорт ва энергетика инфратузилмасини ривожлантиришга, миллий кадрларини тайёрлашга катта ҳисса қўшмоқда ва бундан кейин ҳам ҳисса қўшади.” Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Афғонистон ва ундаги вазият тўгрисида янгича тасаввур шаклланди. Бу, шубҳасиз, Тошкент превентив дипломатияси ҳиссаси ва натижасидир.

Афғонистон Президенти Ашраф Ганининг 2017 йил декабрда Ўзбекистонга ташрифи давомида умумий қиймати 500 миллион доллардан ортиқ бўлган 40 дан ортиқ шартнома имзоланди. Музокараларда томонлар савдо айланмасини 1,5 миллиард долларга етказиши келишиб олди. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 12 ноябрда қабул қилган “Афғонистон Ислом Республикаси билан иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўгрисида”ги қарорини алоҳида қайд этиш лозим. Унда Афғонистон билан ўзаро йиллик савдо айланмасини 2023 йилгача 2 миллиард АҚШ долларига етказиш назарда тутилган. Афғонистонни тинч тараққиёт йўлига ўтиши учун у билан ҳамкорликни изчил ривожлантириш, қўшни давлатни минтақасининг кўп қиррали муносабатларига жалб қилиш Ўзбекистон превентив дипломатиясининг таркибий қисми саналади. Бизнингча, Афғонистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш учун иккита асосий тўсиқ мавжуд: биринчиси, узоқ йиллардан буён давом этиб келаётган қуролли тўқнашувларнинг ҳанузгача барҳам топмаганлиги, иккинчиси, ушбу

мамлакат Марказий ва Жанубий Осиёни бирлаштира оладиган транспорт инфратузилмасига эга эмаслиги.

Ўзбекистон Марказий Осиёда барқарор ривожланиш истиқболларини қўшни Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва уни ривожлантириш билан узвий боғлик, деб билади. Шу боис давлатимиз раҳбари 2018 йил март ойида Афғонистон бўйича бўлиб ўтган Тошкент халқаро конференциясида “Афғонистон — бизнинг дўстона ҳамкоримиз ва қўшнимиздир”, деб алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, хусусан, минтақавий инфратузилма, савдо, инвестиция, транзит ва транспорт лойиҳаларини амалга ошириш воситасида Афғонистонни Марказий Осиё мамлакатлари билан интеграциясини таъминлаш ва мустаҳкамлашни ниҳоятда муҳим, деб ҳисоблайди.

Энг асосийси, конференция Тошкент декларациясини қабул қилди. Декларацияда Ўзбекистоннинг Афғонистон можаросини ҳал этиш бўйича янгича ёндашуви тўлиқ акс этган, у халқаро ҳамжамиятни Афғонистондаги барча сиёсий қучлар, жумладан, “Толибон” иштирокида музокара ўтказиш жараёнини қўллаб-қувватлашга чақиради. Ўзбекистоннинг ушбу янги нуқтаи назари Афғонистон ҳукумати ва халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-куватланди. Айтиш жоизки, конференция натижалари мустаҳкам халқаро консенсуснинг ижобий кўрсаткичига айланди ва Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича минтақавий ва глобал даражадаги қўшма ҳаракатлар учун асос бўлиб хизмат қилди.

Тошкент конференциясидан сўнг қарама-қарши томонлар ўртасида ўзаро музокараларни бошлишга қаратилган саъй-ҳаракатларни давом эттириш мақсадида Ўзбекистон қисқа муддат ичida Доҳа(Қатар)да “Толибон” ҳаракати билан алоқа ўрнатишга муваффақ бўлди.

“Толибон” вакиллари билан Тошкент ва Доҳада ўтказилган музокаралар, Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисбатан ташқи сиёсат парадигмасининг ўзгариши қўшни мамлакатнинг амалдаги ҳукуматини ҳам, “Толибон” ҳаракатини ҳам сиёсий жараёнларга жалб этиш зарурати

мавжудлигини намоён этди ҳамда томонлар билан конструктив алоқалар ўрнатиш имконини берди.

Афғонистонда қирқ йилдан зиёд давом этиб келаётган қуролли тўқнашувлар ушбу мамлакатда тинчликка эришиш учун ҳалқаро ҳамжамиятнинг биргаликдаги саъй-ҳаракати зарурлигини тақозо этади. Можарода иштирок этаётган томонлар жиддий қарама-қаршиликларга қарамай Афғонистон келажаги учун музокараларни давом эттиришга эшиклари очик эканлигини билдирум оқда.

Шу боис Президентимиз 2020 йил ноябрда бўлиб ўтган ШХТ саммитида: “Тинчликка эришиш, Афғонистон ҳалқига иқтисодий ёрдам кўрсатиш йўлидаги ижобий интилишларни қўллаб-куватлаш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳим аҳамиятга эга”, деб айтди. Ушбу даъват Афғонистонда тинчликка эришиш учун биргаликдаги саъй-ҳаракатлар зарурлигини намоён этди.

Бундан ташқари Афғонистонни Марказий Осиёнинг ягона энергия ҳалқаси билан боғлайдиган “Сурхон-Пули-Хумри” янги электр узатиш линиясини қуриш режалаштирилган. Осиё тараққиёт банки ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 2020 йил октябрда Афғонистонга 110 миллион доллар маблағ ажратди. Қурилиш ишлари ўзбек пудратчилари томонидан амалга оширилади.

Афғонистондаги вазиятнинг барқарорлашуви Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистон манфаатдор бўлган ТАРІ, CASA-1000 каби минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради. Афғонистонда Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлар томонидан амалга ошириладиган бундай лойиҳалар, агар у ерда тинчлик ўрнатилса, ҳатто қуролли мухолифат ҳам тинч ҳаёт тарзига ўтишига ва ўн минглаб янги иш ўринлари яратилишига замин яратади.

Ушбу транспорт коридорларини амалга ошириш Марказий Осиё давлатлари ва Афғонистонга нафақат Ҳинд океанига чиқиш, балки Хитойнинг “Денгиз ипак йўли” лойиҳаси ҳамда Ҳинdistоннинг “Шимол-Жануб” лойиҳасида иштирок этиш имконини беради. Ўз навбатида, Жанубий

ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлариға Марказий Осиё, у орқали МДҲга аъзо мамлакатлар бозорларига кириш имконияти пайдо бўлади. Шу ўринда Россиянинг Буюк Евроосиё шериклигини шакллантириш бўйича ташаббусини ҳам таъкидлаш жоиз. Ўзбекистоннинг Ҳинд океанига чиқиш имкониятлари билан юқорида айтиб ўтилган йирик транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш ташаббуси Россия, Хитой ва Ҳиндистон лойиҳаларини бепоён Евроосиё маконида мувофиқлаштиришга замин яратади. Бундан нафақат Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари, жумладан, ШХТ, ЕИИ, SAARC ва ASEAN давлатлари ҳам манфаатдор бўлади.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон ташабbusлари ҳам мамлакат ташқи сиёсати очиқлигини намоён этади, ҳам икки минг йил аввал мавжуд бўлган алоқаларни тиклашга имкон беради. Шунингдек, янги шаҳарлар қурилиши, Ғарб ва Шарқ ўртасида савдо-сотиқни ривожлантириш, янги бозорлар пайдо бўлишига сезиларли даражада ҳисса қўшади.

Абдусамат ҲАЙДАРОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик университети
профессори, сиёсий фанлар доктори